

ҚУРБОН АМИРҚУЛОВ

ТАҚДИР  
БИТИКЛАРИ

ҚУРБОН АМИРҚУЛОВ

**ТАҚДИР  
БИТИКЛАРИ**

ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2006

63

A-662

Курбон бобо Амирқулов асли бойсунлик. У киши нафақат Музработда, балки мамлакатимизда мөхнати билан элнинг назарига тушган ишбильармон инсонлардан бири. Ҳозир етмишни қоралаб қолган. Лекин унинг гайрати ҳамон ичига сиймайди; кўз кўриб, кулоқ эшитмаган орзу-умидлар, янги интилишлар оғушида яшайди. Тиниб-тинчимайди, бошқаларни ҳам тинчитмайди.

Курбон Амирқуловнинг дәхқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, балиқчилик, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш соҳасида амалга оширган ишлари, ўз жамоасининг ишчи-хизматчиларига яратган шартшароитлари ниҳоятда эътиборга молик.

Бу китоб Курбон бобонинг умр сарҳисоби. У ўтган умрини чўтга ташлаб кўради; ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам холис баҳо беришга ҳаракат қилади, ибратли хулосалар чиқаради.

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, дейдилар. Ўйлаймизки, Курбон Амирқуловнинг китоби бизни фикр қилишга, шукр қилишга ўргатади.


А 60

**Амирқулов Қурбон.**

Тақдир битиклари / Қ. Амирқулов. – Маънавият, 2006. – 432 б.

**ББК 65.9(5У) + 65.31(5У)**

A 4702620204-25  
M25(04)-06



© «Маънавият», 2006

## СЎЗБОШИ

Китобнинг сўнгги нуқтасини қўйганимдан кейин бу китобнинг қандай яратилганлиги ҳақида икки оғиз гапириб ўтишга эҳтиёж сездим...

Иккинчи марта Олий Мажлисга депутат бўлиб сайланганман. Қилган ишларим озми-кўпми эл оғзига тушган пайтлар эди. Синфдошим – Ўзбекистон халқ ёзувчиси раҳматли Шукур Холмирзаев меҳмонга келиб қолди.

– Қурбон, анча ишлар қилибсан, сен ҳақингда китоб ёзсан... – деб қолди.

– Майли, ошна. Мен билан бир-икки ҳафта юрсанг. Феъл-авторимни ўрганиб, қандай одамлигимни билиб, ҳақиқатни ёзсанг яхши бўлар эди, – дедим мен.

Авваллари ёзувчи дегани сенинг изингдан ўн-ўн беш кун юриб кузатса, зўр китоб ёзса керак, деган фикр билан яшар эдим.

Шу пайтлар отам билан бирга ишлаб нон-туз бўлиб юрган Ориф Саид деган кишининг ўғли, қаламкаш Нарзулла Орифий ҳам келиб:

– Қурбон ака! Рухсат беринг, сиз ҳақингизда бир китоб ёзай, – деб айтган эди.

– Китоб ёзсанг, менинг изимдан эргашиб, қилган ишларимни кўчириб ёзавер, – дедим. Нарзулланинг менга эргашиб юришга ҳафсаласи камроқ экани сезилиб қолди. Лекин у бир кунлик меҳнатимни қадрлаб кичкина китоб ёзган экан, кунларнинг бирида ўшани менга тақдим қилди.

Қисқаси, синфдошим Шукуржон билан Нарзулла Орифийнинг турткиси таъсир қилдими, китоб ёзиш ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Бошимдан ўтган воқеалар, ҳаётимнинг аччиқ-чучук кунлари, қалбимда кечган ҳис-туйгуларим, изтироб ва қувончларимни ҳеч ким ме-

нинг ўзимча англаб етолмаслигига амин бўлганимдан сўнг, ҳаётим ҳақидаги ҳақиқатларни фарзандларим, авлодим билсин деган ниятда қўлимга қалам олиб, таваккал қилиб хотирамга сингиб қолган воқеаларни қофозга тушира бошладим.

Қайсиadir бир ёзувчи китоб ёзишни тошлоқ ерда зироат кўкартироқчи бўлган дехқоннинг азобларига ўхшатганини ўқиб мийигимда кулиб қўйган эдим. Ўзим қўлга қалам олгандан сўнг билдимки, бу қиёслаш бежиз эмас, ўхшатганда ҳам боплаб ўхшатган экан!

Бироқ менга бундай азобу изтиробларнинг ҳечам кераги йўқ. Чунки эсимни таний бошлаган гўдаклик чоғимдан то шу кунгача тақдиримдан нималарни кечирган бўлсам, барча-барчаси худди кечагидай хотирамга «михланган».

Қисматимга битилган болалик ва ўсмиликнинг залворли азобларига бардош бериб яшашим учун менга метин ирова бергани, айни пайтда мустаҳкам хотира ато этгани учун ҳам меҳрибон Яратувчига чексиз шукроналар айтишим лозим. Хотира битикларимни бир неча йиллар ўнлаб умумий дафтарлару юзлаб ёндафтарларга ёзиб юрган эмасман. Ушбу китобни ёзиш мақсадида қўлимга қалам олишим билан буларнинг бари гўё хотирам хазинасида сақланган маржону жавоҳирлар каби тизилиб қофозга туша бошлади. Мен, ҳатто, ўтган олтмиш йиллик хотираларимни тасаввуримда жонлантириш учун манглай тириштириб ҳам ўтирумайман. Худди ўн-йигирма дақиқа аввалги воқеалар каби ҳикоя қилиб бера оламан.

Яна хаёлингизга «Курбон бобо мақтанишни яхши кўрар экан», деган фикр келмасин. Қани айтинг-чи, ўзимдаги Худо берган ушбу хислатни бошқа қандай таъриф қилишим мумкин?

Илгари китоб ёзиб кўрмаган одам худди устоз кўрмаган шогирд мисоли янги иморат куриш учун ишни нимадан бошлашни ва қаерда яқунлашни билмасдан хийла довдирав экан. Янги иморатнинг пойдевордан бошланиб, томининг ёпилиши билан бунёд бўлишини ҳамма билади. Одам дўпписини олиб қўйиб кўрган-кечиргандарини

бир чеккадан қоғозга тушираверса, охири бир жойга бориб тұхтайди. Тұхтаган жойи – китобнинг томи бүләди; томни лойсувоқ қиласизми, тунука билан ёпасизми – ихтиёр үзингизда. Ахир, қозончининг күлида қайдан күлоқ чиқарса, деган гап бежиз айтилмаган!

«Ха энди, Қурбон Амирқуловнинг бир қилмаган иши шу қолган зди», дейдиганлар ҳам бүлар. Майли, нима бүлганды ҳам бу китоб – ҳаётим күзгуси. Ўй-хаёлларим әлагида әланған, ҳаётимда бошимдан кечирған воқеа-ходисаларни маржондек бир ипга тизиб чиқишиңа ҳарақат қилдим. Баъзан калаванинг учини йўқотиб қўйган пайтларим ҳам бўлди. Энди у ёғига ҳакам үзингиз, хурматли ўқувчим...

Қаранг, илгари китобнинг «кириш» қисми биринчи галда ёзилади деб ўйлардим. Менинг тажрибамда эса тескариси бўлди, китобни тамомлаганимдан сўнг «тушунтириш хати» ёзиб ўтирибман. Бошқаларни билмадиму, лекин бу ҳол мен учун ғайритабиий туюлмади. Чунки, одатда ихтирони ёки иншоотни олдин яратиб қўйиб, кейин лойиҳасини тузаман. Умр бўйи шундай қилдим. Агар лойиҳани расмий идораларда тасдиқлатиш лозим бўлса, лойиҳалаш институтиданми, қўмитасиданми одам чақириб муаммони тушунтираман... Лойиҳачи ҳайрон бўлади: «Бундай мураккаб иншоотни бекаму кўст барпо этиш учун юзлаб деталлар ҳисобга олиниши керак. Демак, қўлингизда мукаммал лойиҳа бўлган. Қани, ўша лойиҳани кўрсатинг, мен имзо қўйиб, муҳр босиб тасдиқлаб бераман», дейди бояқиш. Охир-оқибат қўлимда ҳам, қўйнимда ҳам ҳеч қандай қоғоз йўқлигини билган, ихтирою иншоотнинг лойиҳаси калламда сақланаётганига амин бўлган мутахассис тайёр объектнинг чизма нусхасини лойиҳага кўчиради...

Мен умр бўйи ўз хаёлларим, орзу-умидларим билан яшадим. Мехнатга туғилган эканман – меҳнат учун яшадим. Мехнатим – менинг орзуларим зди. Яратган эгамга минг қатла шукрки, орзуларим ушалди.

Юрган йўлида хаёл сурадиган одамни «хаёлпараст» дейдилар. Мен ўзимни хаёлпарастлар сафига қўшмайман. Чунки амалиёт одамиман, амалга ошириш мушкул бўлган нарсаларни орзу қиласман. Лекин хом хаёлларга маҳлиё бўлмай, шу мушкул ишни амалга оширишга интиласман. Ақли расо инсон кўли етадиган чўққиларни кўзлаши, забт этиб бўлмайдиган чўққиларга интилиб умрни бехуда совурмаслиги, айни чоғда ёшлигидан эътиборан ўзи талпинадиган, бўйлашса арзийдиган мезонни тўғри танлаши лозим.

Мезон нима? Менимча, дунёда нечта одам бўлса, шунча мезон бор – дунёни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Бироқ ўлчамнинг ўзгармас мезони ҳам мавжуд эканини билиш ва асло эътибордан соқит қилмаслик керак. Шак-шубҳасиз, дунёнинг ўзгармас мезони – бу **адолатдир**. Қандай мушкулотга, ноҳақликка дуч келишингиздан қатъи назар, мезонингиз адолат бўлса, албатта ғолиб келасиз, эл-юрт олдида юзингиз ёруғ бўлади. Тўғри, баъзан зўравонлик устун келади, адолатни эгиб-букиб, янчиб ташлайди, тупроқقا топтаб хор-зор қилади, қобирғаларни синдиради, қон қақшатади. Ушанда адолатни ҳимоя қипадиган битта мард топилмаслиги мумкин, ҳамма гўё сеҳрланиб қолгандек томошабин бўлиб тураверади. Ўз даврида бошидан кўп бора адолатсизликларни кечирган бир инсон: «Бир номард қошида ожиз қолганда, Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад», деб бекорга нолимаган экан. Зўравонлик билан адолат тўқнаш келганда, афсуски, ўзини мард қилиб кўрсатган қўпгина одамлар учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетади...

Адолат – одамларнинг кўзига чиройли кўриниш учун тўю маъракаларда кийиб чиқиладиган попукли гилам-дўппи эмас. Адолат ҳар куни, ҳар нафасда инсон юрагининг тубида, кўнгилнинг тўрида бўлади. Токи юрак уриб турар экан, адолат яшайди, юрак уришдан тўхтаганда адолат бошқа манзилдан жой қидиради. Агар бошқа муносиб манзил топилмаса, жасад билан бирга гўрга киради. Нақадар аччиқ бўлмасин, бор ҳақиқат шу: адолатни чидаганга чиқарган; чидамайдиган одам адолатнинг

кўчасидан ўтмагани маъқул. Бошқа кўчаларда ҳам яшаш мумкин, боз устига, яхши яшаш мумкин.

Аввал таъкидлаганимдек, мен ўз хаёлларим, орзу-умидларим билан яшайман. Ёрг оламнинг бир зарраси сифатида ўзимга энг маъқул йўл – меҳнатни танладим. Меҳнатни эъзозладим.

Сафсата сотмагил айшу ишратдан,  
Ҳалол меҳнат сени асрар кулфатдан,  
Биродар, бошингни кўтар ғафлатдан,  
Икки дунёнг обод фақат меҳнатдан.

Бу ҳақда гапирганда кўпинча пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Ибодатлар ичида энг афзали – ҳалол меҳнатдир» деган сўзларини эслайман. Меҳнат мени тарбиялади, юксалтириди. Шу меҳнат мени турли хасталиклар, муҳтоҷликлару ёмон одамларнинг хуружидан асради. Шунинг учун ҳам меҳнатни севдим. Уни ўзимга содик ҳамроҳ ва дўст деб билдим.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, нима ёзган бўлсан, ўз виждонимдан келиб чиқиб она Ватанимга, элъортишимизга бўлган меҳр-муҳаббатимни ушбу китобга жоқилдим.

Китобни фарзандларим, дўстларим ўқиганда менинг дунёқарашим билан ўқишини, озгина бўлса-да, ўзини менинг изтиробларимга, қувончуғамларимга шерик деб ҳис этишга ҳаракат қилишини истардим. Ўйлайманки, шундагина улар китобдаги воқеаларга холис баҳо бера олади.

Китобда тасвиrlанган ҳар бир воқеа уни тасдиқловчи ҳужожатларга асосланган.

Умид қиласманки, Қурбон бобонинг андак эзмаланиб ёзган бу китобини вақт сарфлаб ўқиган фарзандларим, дўст-биродарларим афсусланмайдилар.

Яхши ният ҳамиша йўлдошингиз бўлсин!

*Муаллиф*

---

## *Биринчи қисм*

### **УМР СҮҚМОФИ**

#### **АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ**

Умрим хотиралари бўлмиш бу китобни битишга кўл урганимда, гапни нимадан бошлиш ва бошимдан кечган қайси бир воқеаларни киритиш ҳақида узоқ ўйладим. Бу оламда ҳамма воқеалар ва ҳодисалар бир-бири билан боғлиқ эканини, ўтмиш билан келажакни ажратиб талқин қилиб бўлмаслигини англаб етдим.

Ўртанча акам Кўчар Амиркулов – педагог. Бойсун туманидаги ўзи туғилиб ўсан қишлоқ – Кампирчорбогда 45 йил ўқитувчилик қилиб, камтарона ҳаёт кечириб ўтган...

Кўчар акам ота ва она уруғимизнинг аждодлари шажараси билан қизиқиб, «хотира дафтари» тутган эдилар. Китобни ёзаётганда Кўчар акамнинг хотира дафтарларидан, Ҳазратқул амаким ва отам Амирқул Тиловвоздан ўзим эшигтан, ота-боболаримни яхши таниган қарияларнинг гурунгларда айтиб берган гапларидан фойдаландим.

Бу китобга фақат ўзимнинг қалбимдан жой олган яхши ва ёмон кунларим, бошимдан кечирган воқеалар, амалда қилган ишларим, одамларнинг менга қилган ёрдами, кимларнингдир менга қилган нохолис ишлари ҳақидаги хотираларимдан келиб чиқиб, ҳеч нарсани яширмасдан ва бўрттирмасдан, ўз ҳолича киритдим. Бу китоб яашашнинг, одам бўлиб элга қўшилишнинг нақадар қийин эканлигини англаб етганимдан кейин ёзилди.

Бордию ушбу китобимда номи тилга олинган яхши кишилар ўқисалар: «Қурбон нега мен ҳақимда бундай ёзибди?» – деб ўйламасинлар. Ҳар бир одам дунёни ўз кўзи билан кўради ва ўз ақли билан баҳолайди. Шунинг

учун ҳам бир масалага ҳар ким ўзича ёндашади. Мен ҳам ўз тафаккурим билан англаган ҳақиқатларни ёздим. Ахир, айтадилар-ку:

Сен гийбатчи – олам гийбатчи.

Сен ҳақгүй – олам ҳақгүй.

\* \* \*

Ўзбекнинг Кўнғирот элати беш қавм: Оқ тамғали – 18, Кўш тамғали – 16, Қонжиғали – 14, Ойинли – 12, Тортувли – 6 уруғ, жами 66 уруғдан ташкил топган.

Тортувли қавми Тўғиз, Мўнка, Чўпок, Обоқли, Ўр, Қорабўйин уруғларига бўлинган. Ўз навбатида ҳар бир уруғ ўзининг ички кичик уруғлари – тўбачаларга ажралган.

Аждодларим Бойсун – Кўнғиротининг Тортувли қабиласига мансуб Тўғиз уруғига тобин бўлган Сийроқ шохидан. Туркий халқларнинг афсонавий қаҳрамони Алпомишининг ҳам Тортувли қавмидан бўлгани билан ғуурланиб келганман.

Тўйда улуш тарқатиш Кўнғирот элатига хос одат. Тортувли жамоалари орасида тўғизлар эътиборли «тўба»-лардан ҳисобланган. Тўғизнинг тўй-маъракаларда «тўй улуши» тарқатишни меҳмонлардан бошлиши одатга айланган ва бу алоҳида ҳурмат белгиси ҳисобланган.

Тўйга узоқ қишлоқ ва овуллардан уруғ-уруг бўлиб келган меҳмонларнинг ҳар бир тўдасига тўйчининг кўни-кўшнилари уйларидан алоҳида кўноқ белгиланади. Тўй эгаси ҳар бир кўноқдаги меҳмонларга сўйиш учун мол, озиқ-овқат, уловлари учун ем ажратиб беради. Ана шу ажратилган нарсалар «улуш» дейилади.

Кўноқ эгалари молни сўйиб, таомлар тайёрлаб, тўй тугагунгача меҳмонларга хизмат қилади. «Улуш» бериш одатининг афзаллиги шундаки, тўй эгасига меҳмон кутишнинг азияти енгиллашади. Меҳмонларга ўзларини эркин тутиб, тўйда иштирок этиш имконияти яратилади. Эътибор беринг, бир киши тўй қилади-ю, бутун қишлоқ аҳли тўйга келган меҳмонларни кутиб, beminnat хизмат қилади. Ахир, бундай аҳиллик ва иззат-икром яна қайси халқда бор?

Тўғиз уруғининг энг катта шоҳларидан бири бўлган Сийроқ қадимдан Бойсун туманига қарашли Кофруннинг Калхат сойи атрофида, Чорбоғ, Инкобод ва Паданг ҳудудларида яшаб, кейинчалик Сурхондарёнинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқалиб кетган. Ҳозирги кунда Жарқўрғон туманининг «Сурхон» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Сийроқ қишлоғида бу уруғнинг каттагина қисми яшаб келмоқда.

Сийроқ уруғи – Халас Сўфидан бошланади. Сийроқнинг бош бобоси олти ўғил кўрган. Ор-номус, андиша ва ибо феъли-фитратига сингиб кетган қавмнинг келинлари Кўнғирот таомилига кўра ҳурмат юзасидан қайноғаларининг номларини айтиб чақирмайди. Бу одат ҳозиргача сақланиб келиньяпти.

Сийроқ қавмининг ривоятларидан бирида айтилишича, қайнота ўғилларидан бирини қаёқдалигини келинидан сўрайди. Қайноғасининг номини айтишдан ийманган келин:

– Ҳув ана, кападан сийроғи чиқиб, ухлаб ётибди, – деб жавоб берибди.

Кўнғирот шевасида оёқнинг тиззадан пастини «сийроқ» деб атashади. Шундан бошлаб ўша капада ухлаган қайноға – Халас Сўфининг лақаби Сийроқ бўлиб кетган эмиш.

Бош бобомиз Халас Сўфининг ўз замонида жаннатмонанд чорбоги бўлиб, у Калхат сойининг қадимда Кофрунга борадиган йўли устида жойлашган (Ҳозир Кофрунга бориш учун бошқа йўл қурилган). Ўша жойда карвонлар дам олиши, тунаши, овқатланиши учун барча қулайликлар мавжуд бўлган. Халас Сўфи вафотидан кейин унинг васиятига кўра ўзи обод қилган ўша боқча дафн қилинган. Орадан қанча йиллар ўтиб, бобомизнинг Тошмат невараси ҳам бандаликни бажо келтиргач, унинг ёнига қўйилди. Ушбу маскан авлоддан авлодга етказилиб, обод қилиб келинган. Сийроқ уруғининг бешинчи авлоди бўлган моҳир уста Дона бобо ҳунарманд, инсоғли-диёнатли киши бўлиб, 63 ва 93 увиқли қора уйлар, белкурак, ҳар хил иш қуроллари ясар, таканинг териси-

га ишлов бериб, қип-қизил маҳсилар тикар эди. Дона бобо бу дунёдан кетишидан олдин:

– Қурбон, мендан сенга эсдалик бўлсин, – деб таканинг терисидан ўзи тиккан қип-қизил маҳсини менга совға қилди. Худо менга қариганимда бобокалонимдан месрос қолган маҳсини кийишимни мұяссар қилсин ва хунарманд бобомизга беҳисоб ажрлар берсин!

Дона бобо 2004 йил ноябрь ойида 88 ёшида вафот этди. Васиятига биноан у авлодлари тупрогини эъзозлаб, бое-роғ қилиб, қарашиб келган кичкина қабристонга – бош бобоси Халас Сўфи, Тошмат боболар ёнига қўйилди. Мен ҳам ушбу маросимда қатнашдим.

Халас Сўфининг ўғли Эшмурод бобомиз доим бир учida чойнақдай ғўрами бўлган уч қулочлик калтакни кўтариб юргани учун унга «Эшмурод Ғўркалтак» деб ном берганлар.

Қишлоқда ёки овулда жанжал чиқиб қолса, Эшмурод бобомиз ғўркалтагини судраб чиқиб, сиёsat билан ҳай-кириб шундай дер эканлар:

– Ҳой, ноинсоф уришқоқлар! Ота-бобонгдан қолган молни бўлолмаётган бўлсанг, мана мени чақир, ҳаммангни муросага келтирай! Агар ораларингдан жони жасадига сифмаётган бебош зўравон чиқсан бўлса, мен билан майдонга чиқсин. Ғўркалтагимнинг сермовига дош берармикан?! Майдонга чиқадиган ҳолинг бўлмаса, тўхтат жанжалингни! Ўсамға, Худонинг қаҳрига учраб, ғўркалтагимнинг зарбидан тил тортмай жумалаб қола берасан!

Бобомизнинг ҳайбатидан қўрқсан жанжалкашлар тинчиб, тарқалиб кетар экан.

Одам боласига хос ҳасад, ўғрилик каби иллатлар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Сурув-сурув қўй ва йилқиларнинг эгаси бўлган Эшмурод Ғўркалтак бобомизнинг душманлари тил бириктириб, унинг тоғда юрган чорвасини талон-торож қилиб, ўғирлаб кетади. Бобомиз касодга учраб, камбағал бўлиб қолади ва тақдирга тан бериб, қолган умрини тоат-ибодат билан фақирона яшаб ўтказади. Шунинг оқибатида фарзандлари ва қариндошлари тирикчилик учун ҳар томон тарқаб кетади.

Эшмурод бобомиздан Тўра, Туроб, Тошмат исмли ўғиллар қолади.

Тўрадан Ёкуб исмли ўғил дунёга келади. Ёкубнинг уч ўғли ва бир қизи бўлиб, кенжা ўғлининг исмини Тилов деб қўйган. Биз ўша кенжা ўғил – Тиловнинг авлодларимиз.

Туроб эпчил чавандоз ва мерган бўлгани учун «Туроб мерган» лақаби билан машҳур бўлган. Жарқўргон туманининг «Сурхон» ширкат хўжалигидаги Сийроқ қишлоғида яшаётган қариндошларимиз Туроб мерганнинг авлодлари ҳисобланади.

Тошмат бобомизнинг ўғли Алимардон бободан ўғиллари Менгниёз халифа, Эргаш, Дона ва бир қиз қолади. Тошмат бобомизнинг авлодлари асосан Кофрунда яшаган. Тирикчилик оғир келган йилларда неваралари «Сурхон» ширкат хўжалигига кўчиб бориб истиқомат қилишган.

Тилов дехқон тўрт фарзанд кўрган. Тўнғич қизига Мактаб, кенжা ўғлига Амирқул деб исм қўйган. Тилов дехқоннинг ўғли менинг отам Амирқул – Сийроқ уруғининг олтинчи авлоди бўлса, Сангин акам, Кўчар акам ва мен еттинчи авлодга мансубмиз.

\* \* \*

...Отаси Ёкуббойнинг вафотидан кейин Тилов бобомиз иш излаб Кофруннинг Калхат қишлоғидан кампир-чорбоғлик Мустафокулбойнинг хизматига боради. Бобомиз бойнинг дехқончилик ишларини сидқидилдан бајаради. Кузда ер шудгорлаб, уруғ сепади, баҳорда қовун-тарвуз экиб ҳосил кўтаради. Саратонда ғалла ўриб, дон янчади, қишлиов учун ем-хашак тўплайди. Қишда бойнинг хўқизларини боқади. Хуллас, ҳалол хизмат қилиб, бойнинг назарига тушади.

Мустафокулбой меҳнаткаш Тилов дехқонга ихлос қўйиб, уни қўлдан чиқармаслик учун қизи Иззатойни унга никоҳлаб беради.

1914 йилда Ҳазратқул амаким 15 ёшга тўлганларида бобомиз Тилов дехқон қазо қилиб, момомиз Иззатой тўрт боласи билан бева қолади. Етим болаларини боқишдан қийналган Иззатой уч аёлидан ҳам фарзанд кўрмаган

чорбоғлик Мусулмонбойга тўртинчи хотин бўлиб эрга тегади. Мусулмонбойнинг баҳти кулиб, Иззатой унга қиз туғиб беради. Мусулмонбой тилаб олган қизининг исми-ни Турсун қўяди...

Тилов дехқоннинг катта ўғли Ҳазратқул амаким жуда ориятли, ўртабиат бўлган. У онаси Иззатойнинг эрга текканини кечиролмай, ўгай отанинг уйига бориб яашадан ор қилиб, тоғаси Эшниёзбойнинг уйида қолиб, унга чўпонлик қиласди.

Ҳазратқул амакимнинг садоқати ва ҳалоллиги ҳақида ҳозир ҳам одамлар гапириб юришади. Амакимнинг ўзларидан эшитганим бир воқеани мисол келтирай.

Эшниёзбойнинг Қўшоқ жириқ деган бир ғирром чўпонни бўлган экан. У бир куни амакимга:

– Ҳазратқул, биз кечаю кундуз тоғангнинг молини боқамизу, биримиз икки бўлмайди. Бу ўтар дунёда еб-ичганимиз қолади. Кел, бундай қиласмиш. Мен тоғангнинг молидан бирини куллуклаб, шартта сўяман. Бирга кабоб қилиб еймиз, терисини сийириб, кечкурун унга олиб бориб кўрсатамиз-да: «Бой бобо, қирдан тош юмалаб, мана шу тўқлингиз ҳаром ўлди. Терисини олиб, танасини ташлаб келдик», – деймиз. Бойнинг моли озми? Шундай қилиб кайфимизни чоғлаб юраверамиз! – дебди.

– Мен тоғамга кўрнамаклик қиласмишман, – деб амаким рози бўлмабди.

Кунларнинг бирида амаким молни ёна бетдан ўрлатётган пайтда Қўшоқ жириқ атайлаб тепаликдан тош юмалатиб юборибди. Това тош нишобда ҳаккалаб-ҳаккалаб, молларнинг устидан ўта бериб, ахийри бир улоқка тегибди. Ҳазратқул амаким тош зарбидан типирчилаб жон ҳолатда маъраб ётган улоққа қараса, Эшниёз тоғаси «энчи» деб берган ўзининг ягона улоги экан. Улоқ ҳаром ўлиб қолибди. Амакимнинг алами келиб:

– Қўшоқ ака, кўрдингизми, бой тоғамнинг моли ҳалол экан. Юмалатган тошингиз бисотимдаги биттаю битта улоққа тегди. Энди менинг чўпонлигим қариби, – дебди Қўшоқ жирикка.

Ҳазратқул амаким сурувни түплаб түғри тоғаси Эш-ниёзбойнинг қўтонига ҳайдаб борибди-да:

— Тоға, молингизни санаб олинг. Кам чиқса, мен ўзими сиздан қарздор ҳисоблайман, — дебди.

Бой тоғаси ҳарчанд ялинимасин, амаким қолишга рози бўлмай, молларни санаб топширибди-да, укаси — Амиркулни (менинг отам) олиб, тоғ оша Денов беклигининг Юрчи қишлоғига кетибдилар.

Шу тариқа Ҳазратқул амаким Юрчи яқинидаги Бешкапа қишлоғида яшовчи, Деновнинг энг обрўли савдогари ва катта ер эгаси, ўз замонининг саводли, маърифатли одами бўлган (онамнинг оталари — менинг бобом) Раҳим Кўкчига хизматкорликка ёлланибдилар.

Раҳимбой ўз қишлоғида мачит, иккита кўприк, битта мусофирихона қурдирган, Юрчи йўлини текислатиб шағал ётқизган. Унинг бўз тўқийдиган ўндан ортиқ дастгоҳи, калава ипни ранглайдиган бўёқхоналари каттагина даромад келтирган. Бўёқхонаси борлиги учун одамлар у кишининг исмига «Кўкчи» лақабини қўшиб айтганлар.

Раҳим Кўкчи Ҳазратқул амакимни ҳалол ва тўғрисўзлиги учун ёқтириб қолган экан...

\* \* \*

XX асрнинг биринчи чораги бутун дунёни алғов-далғов қилган урушлар, инқилоблар билан ўтди. Биринчи жаҳон уруши, Россия империясида бошланган қонли инқилоб ва фуқаролар уруши унинг мустамлакаси бўлган Туркистонни ҳам четлаб ўтмади.

Халқ орасида «Оқпошшо»нинг таҳтини Ленин деган одам тортиб олгани, большовилар Бухоро амирлигига бостириб киргани ҳақида гап тарқалди. Бундан хавотирланган Раҳим Кўкчи бобомиз иш юритувчиси Мирза Ғулом билан Ҳазратқул амакимни Паданг қишлоғида яшайдиган ошнаси Хўжамшукур тўқсабо билан учрашиб, ундан Бухоро амирлигидаги вазият ҳақида аниқ гапни билиб келишлари учун Бойсунга жўнатади.

Бойсун шаҳрида Хўжамшукур тўқсабога қарашли каттагина карвонсаройнинг ёнида бобомиз Раҳим Кўкчининг ҳам газмол дўконлари бўлган экан.

1920 йилнинг кузида Ҳазратқул амаким билан Мирза Фулом Бойсунга келган кунлари Бухоро таҳтидан қувилган Амир Сайид Олимхон ҳам қочиб Бойсунга келган экан. Қизил аскарлар таъқиб қилаётгани учун Амир Олимхон Бойсунда кўп тўхтамай, Денов-Юрчи орқали Ҳисор томонга ўтиб кетади. Раҳим Кўкчи ҳам иккиланмай Бухоро амирига қўшилиб жўнайди. Амир Олимхон Афғонистонга ўтиб кетгунигача Тожикистондаги Коғирниҳон дарёси қирғоғида қўшхона ташлаб, уруш натижаларини кутади.

Бухоро амирлигининг тарқоқ лашкари билан қизил аскарлар ўртасида қонли жанглар давом этиб, қуроляроғ, тартиб-интизомда устун бўлган қизил аскарларнинг қўли баланд келади. Ноилож қолган Амир Олимхон 1921 йилнинг март ойида Афғонистонга қочиб ўтади. Раҳим Кўкчи амирга эргашиб Афғонистонга ўтиб кетади. Бироқ ўша йилнинг кузида ўз қишлоғи Бешкапага қайтиб келади...

Шўролар ҳукумати 1923–1924 йилларда Денов-Юрчи ҳудудидаги барча қишлоқларда саводсизликни битириш курслари, шаҳарда фирмә ёшлар мактабларини очади.

Бойнинг ёш хизматкори Амирқул (менинг отам) эл қатори саводсизликни тугатиш курсини муваффақиятли битириб, Деновдаги фирмә ёшлар мактабида ҳам ўқийди. Сўнгра 1925 йилда Бешкапа қишлоқ шўроси ижроия қўмитасида масъул котиб вазифасида иш бошлайди.

Бу пайтга келиб большевиклар бойларни синф сифатида тугатишдек қаттол сиёсатни бошлаб юборган эди. Бойларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, ўзлари ё Сибирга сургун қилинар, ёки ЧКнинг қамоқхоналарида отиб ташланарди. Янги ҳокимият томонидан мол-мулки мусодара қилинган Раҳим Кўкчи билан иш юритувчisi Мирза Фуломнинг қисматида ҳам ана шундай шўрбитик бор экан. Уларни Фавқулодда комиссия – ЧК қамоққа олади ва «тройка» (учлик суди) иккаласини ҳам отишга ҳукм қиласди.

\* \* \*

Ҳазратқул амаким хонавайрон бўлган Раҳим Кўкчи бойнинг қаровсиз қолган ёш беваси Тошибиби ва бўйи етган қизи Хадичаларни ўз паноҳига олиб, ғамхўрлик қиласди. Шу аснода Ҳазратқул амаким 28 ёшида бева қолган Тошибини никоҳига олади. Кейинроқ улар маслаҳатлашиб, Хадича билан Амирқулнинг бошини қовуштирадилар. Бир-бирини яхши билган икки ёшнинг розилиги билан кичкина тўй қиласдилар. Ана шу таҳликали йилларда акам Сангин туғилади.

Раҳим Кўкчи бой қамоқقا олиннишидан илгари яширинча саккизта ўра қаздириб, тўрут ўрага 72 дона қалин патгилам, икки ўрага ғалла ва яна икки ўрага олий нав чинниворий идишларни кўмдирган экан. Бундан хабари бўлган Рашид чатоқ деган хизматкорнинг чақуви билан шўро одамлари келиб Ҳазратқул амакимга ўраларни очдириб, ҳамма нарсаларни мусодара қиласдилар. Шу кечанинг ўзидаёқ Ҳазратқул амаким билан отам Амирқулни қамоқقا оладилар. Уларни Деновда ЧК бошлиғи бўлган Михаил Гейзер сўроқ қилиб:

– Ҳазратқул Тилов ўғли, Раҳимбой қамалгандан кеин сен унинг хотинига уйланиб, қизини укангга олиб бергансан. Бойнинг тиллалари сенда қолган. Яхшиликча уларни ўз ихтиёринг билан ҳукуматга топшир! – деб қийноқка солиб талаб қиласди.

Амаким билан отам барча қийноқларга чидаб, «ҳеч қандай тиллани билмаймиз» деб тураверганлар.

Сўроқ пайтида таржимонлик қилган бойсунлик Усмонқул Сатторхўжа ўглининг бегуноҳ азобланётган ака-укаларга раҳми келиб, бир куни ҳеч кимга сездирмай, уларни юпатиб, гап ўргатади:

– Суриштириб билдимки, сизлар Бойсуннинг Кампирчорбоғидан экансизлар. Ҳар қанча қийнаб, қўрқитиб сўроқ қилишса ҳам: «Биз бойнинг батраклари эдик. Бой бизга тилласини кўрсатиш у ёқда турсин, қорнимизни тўйдирив овқат бермас эди. Бизнинг айбимиз – бойнинг озодликка чиқсан хотини билан қизига уйланганимизми? Ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ» деб, бир гапда тураверинглар.

Берган овқатини еманглар. Чиданглар! Шундай қилмасаларинг, буларнинг қўлидан соғ қутулмайсизлар, – деб тайинлабди.

Амаким билан отам Усмонқул тилмочнинг маслаҳатига амал қилиб, сўроқдаги калтакланишларга ҳам, очликка ҳам сабот билан чидаганлар. Очлиқдан танасида сўли қолмаган дармонсиз ака-уканинг баданидаги битлар ўрмалаб ерга туша бошлаган экан...

ЧК бошлиғи ака-ука маҳбусларни қийнашдан ҳеч қандай натижа чиқмаслигига амин бўлгач, уларни қамоқдан озод қилиб, Бешкапага олиб бориб ташлашни буюради.

Ҳолсизликдан сулайиб қолган эрларини кўриб чечам Тошиби ва онам Хадича дод солиб йиғлайдилар. Мехрибон аёлларининг парвариши билан ака-ука яна оёққа туради.

Деновда ЧК ходимлари кун бермаслигига ишонч ҳосил қилган амаким билан отам маслаҳатлашиб, Бойсунга кўчиб кетишга қарор қилишади. Юкни оғирлаштиримай, аёллари ва болаларининг энг зарур кийим-кечаклари билан уч кунлик озиқ-овқат олиб, хотинларининг қимматбаҳо тош ва тилла тақинчоқларини әшакларнинг тўқимига жойлаб, ярим кечада шобир-шовқинсиз қишлоқдан чиқиб Бойсунга жўнайдилар.

#### **ОНАГИНАМ, МЕҲРИБОНИМ!**

Қўлимга қалам олиб хотираларга берилган чоғимда умрим давомида мен билган одамларнинг энг саботлиси, энг меҳрибони, энг улуғи онам – Хадича Раҳимбой қизи эканига, бу улуғ зотнинг руҳи олдида қарздор эканлигимга қайта-қайта амин бўламан. Туғилган кунидаёқ онаси қазо қилиб, она юзини кўрмай, меҳрига қонмай ўсгани, улғайиб бўйи етганда отасининг отилиши ҳам онамнинг мурғак қалбида аламли дард қолдирган.

Онамнинг тақдирни ҳақида ўйласам, беихтиёр кўзимга ёш қалқийди.

«Бир муштипар аёл бунча куч, сабот ва иродани қаёқдан олган экан?!» – деб ўйлайман ич-ичимдан тан бериб.

Ушбу рисоламда энг азиз инсоним – Онам ҳақида ба-тафсилроқ түхтапсам, мени эзмага йўймай, маъзур тутиң...

Мусулмон халқи учун аввало ота-онани қадрлаш, ота-онага хизмат қилиш ибодат даражасида экани ҳаммамизга маълум. Ҳар бир одам ўз ота-онасини энг азиз, энг олий-ҳиммат инсонлар деб билади. Ҳазрат Пайғамбаримизнинг: «Жаннат оналар оёғи остидадир», – деган ҳадислари юрагимда муҳрланган муқаддас калом. Онанинг улуғлигини таърифлашга тил ожиз. Болалари тақдирини ўйлаб, не-не қийинчиликларга бардош берган, ҳисобсиз азоб-уқубатларни бошидан кечирган, тақдирининг аёвсиз зарбаларига чидаб яшаган онам ҳақида ўз хотираларимни ёзишни фарзандлик бурчим деб билдим.

«Онамнинг отаси Раҳимбой шаҳрисабзлик Муҳаммад Барлос деган савдогар билан савдо-сотиқ ишларини олиб бориб, уни қарздор қиласди», – деб ёзади Кўчар акам ўз хотира китобида.

Муҳаммад Барлос хотинининг юрти – Сина қишлоғида яшаб, тижорат билан шуғулланиб, Шаҳрисабздаги қариндошлари билан ҳам борди-келдини узмаган. Унинг Шаҳрисабзда ҳам дўконлари бўлган. Афғонистондан ва бошқа шаҳарлардан мол келтириб, дўконларида соттирган.

Кунларнинг бирида Раҳим Кўкчи бобомдан қарзга мол олган Муҳаммад Барлоснинг карвонини қароқчилар талайди. Касодга учраб, қарзини тўлай олишига кўзи етмагач, бўйи етиб қолган қизи Шаҳрибонуни Раҳим Кўкчи бобомизга хотинликка беради. Кўркам, сарвқомат Шаҳрибонуни кўрган Раҳимбой қарзини ҳам унутади. Шаҳрибону момомиз бобомдан эгизак фарзанд кўради. Лекин Фотима-Ҳусанлар чечак касалига учраб, гўдаклигидаёт вафот этади.

1904 йилда Шаҳрибону момомиз қиз кўради. Аммо, тўлғоқ пайтида жуда кўп қон йўқотгани сабабли ҳаётдан кўз юмади. Эгизаклардан кейин туғилган, онасидан ёдгор бўлиб қолган қизалоққа халқимизнинг удуми бўйича Хадича деб исм қўядилар...

Менинг азизим – онам Хадичабону шу тариқа дунёга келадилар.

\* \* \*

...Ҳикоямиз давомига қайтсак. Деновдан тун қоронғи-сида чиққан карвон арчазорлар орасидаги төг сүқмоқла-ридан уч кун юриб, Бойсунга – бобомиз яшаган Кампир-чорбог қишлоғига етиб келади.

Амаким билан отам атиги беш сотиҳдан иборат ота-мерос ҳовлидаги пешайвонли, икки хонали уйга келиб жойлашадилар. Ҳазратқул амакимнинг ҳам, отамнинг ҳам устачилиқдан хабари бор эмасми, тез орада бир қора уй ва битта капа ясайдилар. Пахса уйни отамга қолдириб, Ҳазратқул амаким болалари билан ўтовга кўчиб чиқади.

Бешкападан келганларидан сўнг, икки ой ўтиб, онам ўғил кўради. Аммо чақалоқ ўн кун ҳам яшамай нобуд бўлади.

Ўша пайтларда бутун мамлакатда, жумладан, Бойсунда ҳам колхозлаштириш ҳаракати бошланган эди. Отам Амирқул Тиловов хат-саводли одам бўлгани учун, Инкобод қишлоқ шўросига масъул котиб этиб тайинланади.

1930 йилда онам яна фарзанд кўради. Бу сафар ҳам гўдак нобуд бўлади.

Кетма-кет икки фарзандининг догоидан дили вайрон бўлиб қолган онамнинг синиқ кўнглига чечам Тошибиби далда беради.

Онамнинг Худога қилган илтижолари зое кетмай, 1932 йилда катта опам Меликнор туғилади. Опам билан овуниб кўнгли таскин топган онам ўзини анча ўнгариб олади. Қисматнинг онамга аталган бешафқат синовлари кўп экан.

1934 йилда туғилган ўғил фарзандлари Хонимқул ҳам кўп яшамай вафот этади.

1936 йилнинг 11 май куни отам эрта тонгда отини миниб ишга кетади. Тоғаларим Абдулаҳад билан Абдуалим, акам Сангинлар молларни Болғали чағати томон ҳайдаб кетишади. Уйда тўрт яшар Меликнор опам билан «ой-куни яқин» онам қолади.

Шу аҳволида Яккатут деган жойдаги палакбошига кўчиш учун кўчни тайёрлай бошлаган онамни Тошибиби чечам:

– Ой-кунинг яқин. Бир кор-ҳол бўлмасин, – дея шаштидан қайтармоқчи бўлади.

Бироқ қатъиятли, қайсарфеъл онам ўз билганидан қолмайды. Тошбиби чечам ноилож онамга күчни эшакка ортишга ёрдамлашади.

Онам Меликнор опамни Тошбиби момомга қолдириб, эшакни ҳайдаб Яккатутга боради. Күчни тушириб қайтиб, иккинчи марта юкни ортиб, Яккатутга яқинлашганда, онамни түлғоқ тутади...

Кимсасиз даштда, ҳеч бир күмакчиси бўлмаган онам барча түлғоқ азобларига чидаб, ҳушини йўқотмай, ўзига ўзи доялик қиласди. Туғилган ўғил чақалоқнинг киндигини ўткир тош билан кесиб боғлайди. Чақалогини бағрига босиб, ҳовлига кириб келган онамни кўриб, Тошбиби чечам донг қотиб қолади. Таомилга кўра, кўчиш куни туғилган ўғлонга Кўчар деб ном қўядилар.

Шуларни ўйласам, Оллоҳнинг бу аёлга берган куч-куватига, иродасига таҳсинлар ўқишдан бошқа чорам қолмайды.

Энди ўйласам, онамнинг умри меҳнату заҳмат билан, фарзандларига фидойилик билан ўтган экан...

Кўчар акам тўрт ёшга тўлганда, 1939 йилнинг 11 февралида Қурбон ҳайити куни мен туғилганман. Онамнинг айтишича, отам мени қўлга олиб:

– Бу ўғлим худонинг яхши кунида туғилди. Исмини Қурбон қўйиши Оллоҳнинг ўзи буюрган. Болалигига ўлган ўртанча акам Қурбоннинг ҳам оти ўчмайдиган бўлди. Худойим, Қурбон ўғлимга узоқ умр бер! Ота-боболаримдай эл-юргига хизматкор фарзанд бўлсин! – деб яхши ният қилган эканлар.

\* \* \*

1941 йилда республика миқёсидаги катта ҳашар – «Фарҳод» каналини қазиш бошланади. Сурхондарёдан борган ҳашарчиларга Бойсун район ижроқўми раиси Нормамат Менглиев раҳбарлик қиласди. Ҳашарчи юртдошларини озиқ-овқат, кийим-кечак ва иш қуроллари билан таъминловчи омборга отам Амирқул Тилововни мудир қилиб тайинлади.

Отам «Фарҳод» канали қурилишида бўлган чоғида бизнинг катта оиласизни бошқариш ташвишлари онам Хадичабонунинг зиммасида қолган эди.

«Фарҳод» канали ҳашаридан қайтгач, 1942 йилда отамни ҳарбий комиссариат урушга жўнатди ва катта оиланинг бутун оғирлиги яна онамнинг елкасига тушди. Бунинг устига устак, тоғаларим – Абдулаҳад билан Абдуалимларнинг ҳам ёши етиб, кетма-кет урушга жўнатилгани онамнинг изтироб қўшди.

Отам қўнгилчан, қўли очик, давлат ишига муккасидан кетган киши бўлганидан, ортиқча мол-ҳол орттиришга ҳам ҳафсала қилмаган. Беш сотих ҳовлида етти хўжалик жойлашганди. Отамнинг қарамогида етти, Ҳазраткул амакимнинг оиласида олти, аммам Мактабнинг хонадонида беш, келини Норхолнинг қарамогида ўзи билан уч нафар – жами йигирма бир жон бир қозонда таом пишириб, бир дастурхондан овқат еганлар.

Онам шундай бир-бирига қариндош бўлган катта оиласага раҳбарлик қилиб, рўзгорни бир амаллаб тебрашиб турган эди.

Уруш йилларида колхоз аъзоси бир кунда 15 сотих ғалла ўрса, унинг бир кунлик меҳнат ҳақига битта кулча нон берилган, холос. Куз, қиш, эрта баҳорда раҳбарият колхоз аъзоларининг очлиқдан ўлмаслиги учун ҳар куни эрталаб катта дошқозонда ёвғон атала пиширтирган. Одам бошига бир чўмичдан атала тарқатиб, «ўлма жоним» қабилида одамларни ўлимдан сақлаб қолган. Буни киноя билан «фронт атласи» деб атаганлар. Бу ибора урушдан сўнг ҳам узоқ вақт ҳазил-мутойибали гурунгларда тилга олинганини яхши эслайман.

Уруш йилларида колхоз аъзоларининг 80–90 фоизини хотин-қизлар ва ўсмир ёшлар ташкил этарди. Эрта баҳорда танасида дармони бор барча аёллар ҳўқизларни етаклаб, далада қўш ҳайдар, ариқ-зовурларни қазар, сел сувлари билан ғаллани сугорар эди.

Тоғнинг лалмикор деҳқонлари қадимдан ёмғир сувидан унумли фойдаланганлар. Баҳорда лалми ғаллани ёмғир суви билан бир-икки сугориб, гектаридан 15–20 центнерга-ча ҳосил олишган. Афсуски, ҳозирги пайтда бундай сугориш усули унутилиб кетган. Туғилган юртим – тоғли Бойсуннинг ҳамма қир-адирлари этагида ёмғир сувидан фойдаланиш учун қазилган эски ариқларнинг излари ҳозир ҳам бор.

Қишида ҳам хотин-халажга тиним йўқ эди. Улар қўтонлар, оғилхоналардан қоп-хуржунларга гўнг тўлдириб, экинзорларга олиб бориб сочар; ёзда тоғ олди далалар ва тоғ ёнбагирларидағи қирларда экилган ғаллани иккимич ойлаб ўрар эди.

Колхозда ғалла ўрими «темир интизом» билан амалга ошириларди. Қишлоқ шўроси, колхоз раислари ва бригадирлар район вакиллари билан бирга ғалла ўримиға жалб этилган ўроқчи аёлларни иккимич ойлаб дадада тунатиб ишлатардилар. Уйларига жавоб бермас, ювениш, тараниш учун шароит йўқлигидан аёллар кирга ботиб, ҳатто битлаб кетар экан.

Аёлларнинг уйда қолган бола-чақаси, мол-ҳоли ҳақидағи гаплари ҳеч кимнинг қулогига кирмасди. Ҳамма оиласларнинг аҳволи ана шундай аянчли, оч-яланғоч, қашшоқ ва забун эди. Барча қилинган ишлар фронт учун, ҳамма ғалла фронтга жўнатилган. Ватан ҳимояси учун одамлар кундузни кечага улаб, жонини жабборга бериб ишлар эди. Бу азобларнинг устига қаҳратон қишининг изгириллари, очлик ва қаҳатчилик қўшилиб барчани қақшатар эди.

Бизнинг пешайвонли икки хонали пахса уйимиз, бир қора уй – ўтовимиз, бир бош сигиримиз ва эшагимиз бор эди. Отам урушга кетгандан кейин оиласиздаги Сангин акам, Меликнор опам, Кўчар акам, Мақсад синглим, мен ва онам, яъни олти кишига давлат томонидан ҳар куни карточка билан бир буханка нон берилар эди.

1943 йилга келиб катта рўзгоримизнинг аҳволи яна-да оғирлашди. Ҳовлимизда етти хонадондан фақат онам бошлиқ бизлар қолдик, холос. Бошқа олти хонадон жон сақлаб қолиш учун Денов, Қумқўргон, Шўрчи, Ҳазарбоғ каби обикор жойларга кўчиб кетишиди.

1943–1944 йиллар урушнинг энг оғир даври бўлди. Катта ёшдаги одамларнинг айтишларича, лалмикор Бойсун районининг тоғли қишлоқларида яшаган аҳолининг бир қисми очлик ва турли касалликлардан нобуд бўлган экан...

Ўша оғир йилларда онам бечора кечаю кундуз оёқда тик туриб колхознинг оғир меҳнатини қилдилар. Уйимиздаги кўзга илинадиган бор яроқли нарсалар: кигиз

ва сандық, чинноворий коса-товоқлар, ҳамма қиммат-баҳо тақинчоқлари, ҳатто отамдан қолған пальто ва бисотимиздаги битта қора уйни ҳам сотиб, бизларни ўлим чангалидан сақлаб қолдилар.

Онам ўсмир бўлиб қолған Сангин акам билан Кўчар акамга колхозчиларнинг подасини боқтиридилар. Кечқурунлари Меликнор опам билан Кўчар акам уйма-уй юриб, хонадонлардан пода ҳақи – «кошалўл» (оши ҳалол) териб, кун кечирдик.

Акам шаҳарга бориб, баъзида кечгача навбатда туриб, фронтга кетган отамиз учун бериладиган нонни олиб келар эди. Шу тахлит очлик азобида яшар эдик.

Эрта баҳор кунларининг бирида болаларидан хабар олиш учун даладан келган онам Сангин акамнинг колхоз ҳўкизларига бериладиган кунжарарадан бир бўлагини темир печканинг устига қўйиб, қизитаётганини кўриб қолдилар. Очликдан силласи қуриб қолған биз – фарзандларига қараб:

– Эсизгина болаларим! Кунларинг кунжара ейишга қолдими-я? – дея қақшаб, ҳар биримизни қучоқлаб, ўлиб: – Кунжара еган одам шишиб ўлади. Бундай қилманглар. «Болаларини кунжара едириб шишириб ўлдирди» – деган иснодга қолмайин. Очликдан, касалдан ўлсак – элга келган офат, иснодга қолмаймиз. Тақдир экан, чиданглар! – деб йиғлаб, ялиндилар.

\* \* \*

Билмадим, менга тенгдош ҳамма одамларда ҳам мана шундай аччиқ хотиралар бормикан? Болалик давримдан ҳали-ҳануз эсласам юрагимни жизиллатиб турадиган жуда кўп хотиралар қолган. Айниқса, уруш йилларида бошимиздан кечирган оғир кунларни ҳеч қачон унупотолмасам керак...

Тирамоҳнинг совуқ кунлари эди. Синглим Мақсад билан икковимиз айвонга ўрнатилган катта ўчоқнинг чўғида исиниб ўтирардик. Чўғ сўниб, аста-секин кулга айланди. Биз – икки норасида ўчоқнинг ичига кирдик. Ўчоққа шувалган лой оловларда пишиб, худди нондек қизариб қолган эди. Мақсад синглимга:

– Қанийди шу лой нонга айланиб қолса! – дедим ва ўчок деворини ўйиб, нондек қизарған кесакни ея бошладик...

Онам келиб қолиб, бизни ўчоқнинг ичида кулга бепланыб ўтирганимизни, еяверганимиздан ўчоқ деворида ўйиқ-чукурчалар пайдо бўлганини кўриб, иккаламизни ўчоқдан чиқариб олди. Ҳатто уришмади ҳам!

Ўша йиллари тоғ томондан Ўринов деган киши «Заготскот» корхонасига раис бўлиб келди ва бизнинг икки ҳовлимизнинг бирида яшай бошлади.

Исмини эслолмайман, Ўриновнинг бир ўғли бор эди. Онам ишга кетганда, Ўриновнинг ўғли мени чимчилаб қийнар, сурункали очлиқдан дармонсизланиб қолганим учун унга қаршилик кўрсатолмай йиғлар эдим. Назаримда, ўша бола менинг иложсиз йиғлашимдан ҳузур қиласр эди...

1944 йил. Отамиз фронтда. Онамиз колхоз даласига – баҳорги ишларга жалб қилинган. Очлик азоблари га чидаб қишидан аранг омон чиқкан биз болалар уйда қолганимиз.

Далаларда эндигина қоқи, исмалоқ чиқкан. Бойсунда одамлар исмалоқни кўп истеъмол қилишади. Биз эса очмиз...

Шунда мен – олти яшар гўдак, бир тўрвачани олиб, исмалоқ теришга чиқдим.

Баҳорда сел келиб турадиган тошлоқ сойдан кечиб ўтиб, даладан исмалоқ териб, тўрвачага жойладим. Уйга қайтишда яна шу сойдан ўтишим керак. Ёмғир қаттиқ ёға бошлади. Сойнинг суви кўзимга кам кўринган эди. Чарчоқ зўрлигиданми, қайтаётганимда сойда сув кўпайганини пайқамабман. Кечиб ўта бошлаганимда бирдан сув ҳам кўпая бошлади ва мени – очлиқдан силласи қуриган озғингина болани оқизиб кетди.

Жон талвасада бир катта оқ тошдан ушлаб қолдим. Оёғим ердан узилган, исмалоқ тўла тўрвача бўйнимда осиғлик, ўзим сув юзидаман. Очлиқдан дармонсизланган қўлларим билан тошни маҳкам қучиб, додлайвердим.

Хайрият, шу яқин орада чўпонлар бор экан, улар келиб мени сувдан олиб чиқди. Уйга ҳўл кийимим, бўйнимга осилган исмалоқ тўла тўрвача билан қайтиб келдим...

Худо мени муқаррар ўлимдан асради!

Болаликда кўнгилга муҳрланган кечинмаларни ҳеч унугиб бўлмас экан. Ёшим олтмишдан ошиб ҳам болалигим ўтган Кампирчорбони, қишлоқ ёнидаги Сангиоқ сойида селга оққанимни ва тошдан ушлаб бир амаллаб жон сақлаганимни ҳеч унугтолмадим. Эҳтимол, шу боисми ўша сойдан Музработга ўттиз машина тош келтирдим. Балиқхона оромгоҳи қирғонига тошларни қалатиб, эсадалик учун устига мармар билан «Мен туғилган ернинг тошлари» деб ёздириб қўйдим.

Бу ишим кимгадир бачкана туюлиши мумкин. Аммо мен буни она Ватанимнинг бир бўлаги бўлган туғилган тупроғимга ва болаликдаги беғубор кечинмаларимга бўлган ҳурматим рамзи деб биламан.

Уруш йилларининг аччиқ хотираларидан яна бири эсимда: онам ўн беш килоча унни ёмон кун учун яшириб қўйган эканлар, Мақсад синглим иккаламиз тасодифан ўша яширилган унни топиб олдик. Онам кунлик «паёк» – нонни олиб келишга кетганда, дўппимизга ун солиб, сомонхонага яшириниб, капалаб едик. Нонни олиб уйга қайтиб келган онам бизни қидириб чақиравергач, ака-сингил дўппини яхшилаб қоқиб ташлаб, сомонхонадан чиқиб бордик. Гўдакликда, дўппидаги ун юқини тозалабмиз-у, лаб-лунжимиздаги ун юқини артиш эсадан чиқибди...

Яхшилик унугтилмас экан.

Қишлоқда Тўлаган морбоз деган бобо яшарди. У киши дуо ўқиб, илон чаққанларни дам солиб даволар, ўша йиллари илонлар жуда кўпайиб, далада юрганларни, айниқса, кўпроқ болаларни чақар эди.

Тўлаган бобонинг уйига ҳар куни икки-уч нафар илон чаққан киши келарди. Тўлаган бобо уларни ўқир, ажабланли томони – у ўқиб дам соглан кишилар тез тузалиб, оёққа турар эди. Бу ҳам Оллоҳнинг бир каромати-да!

Беш яшар бола эдим. Ёз фаслининг бошлари. Бир куни кичиккина тўрвачани олиб, тўкилиб қолган бошоқларни териш учун галласи ўриб олинган далага бордим. Хирмонжойда Тўлаган бобо хўқиз билан галла янчайтган экан. Озиб кетган, мадорсиз кичкина болакайнинг далада бошоқ

кидириб юрганини кўриб раҳми келдими, мени чақириб, тўрвачамга бир килоча буғдой солиб берди.

Тўлаган бобонинг бу яхшилиги менинг хотирамда худди исмалоқ тераман деб селга оқиб кетаёзган кунимдай муҳрланиб қолган.

Йиллар ўтди. Тўлаган бобонинг вафотигача уни ҳар кўрганимда эҳтиром билан саломлашиб, ночор гўдаклигимда қилган яхшилигини эслар эдим...

Олийгоҳни битириб, хўжалиқда ишлаб юрган кезларимда онам уруш йилларида кўрган ўша азоб-уқубатларимизни кўп эслар эди. Айниқса, сонимдан чипқон чиқиб, шишиб кетганини, мени Бойсун касалхонасида бош врач бўлиб ишлаган яхудий Давидовга олиб борганлари, минг бир дори-дармон қилиб, ўлим чангалидан аранг юлиб олганларини такрор-такрор айтиб:

– Болам! Гўдаклигингда кўрган азобларингни, менинг тортган уқубатларимни, қилган нолаларимни Худойим билди. Шундай яхши, тўкин-сочин кунларга ҳам етиб келдик. Худойим сенинг омадингни берсин. Қилаётган мөҳнатларингдан баҳт топгин! – деб дуо қилар эдилар.

Лаънати уруш давом этар, қишлоқларда ҳар куни бир хонадонда мотам, мусибат, урушдан келаётган «қора хат»ларнинг кети узилмасди. Тоғам Абдуалимдан «қора хат» келиши онам билан Тошибиби чечамни адойи та мом қилди. Бу оғир жудолик уларнинг қаддини буқди.

\* \* \*

1944 йилнинг апрель ойида қишлоқда ипак қурти боқиш мавсуми бошланди. Колхоз ҳар йили бизнинг оиласизга бир ярим-икки қути пилла қурти боқтирас эди.

Йигитлар армияга кетгани сабабли, пилла учун барг кесиш ҳам аёллар зиммасида қолган эди. Ҳовлимиз эта гидаги сойликда ўзимизга қарашли катта қари тут бор эди. Ҳозир ҳам шу тут асрлар гувоҳи бўлиб турибди. Онам ўша тутга чиқиб, барг кеса бошлади. Кўзим олдида тутнинг шохи синиб, онам баланд тутдан йиқилиб тушди ва ўрнидан туролмай қолди. Биз дод солиб йиғладик. Қишлоқ аҳли йиғилди.

Онамни сойдан кўтариб чиқиш учун бир киши керак. Мусулмончилиқда бегона эркак номаҳрам ҳисобланади. Шунда Иқбол аммам ҳамқишлоғимиз Бектемир бобонинг ўғли ўспирин Райимқулбойни (ҳозирда – менинг қайнотам):

– Хадича билан опа-ука бўлсинлар, – деб тўпланган одамлардан дуо олди. Райимқулбой ҳушсиз ётган онамни елкасида кўтариб, уйга олиб чиқди. Онамни айвонга ётқизиб қўйиб, шаҳардан дўхтиришди. Дўхтирилар текшириб қўриб, онамнинг умуртқа суюклари икки жойидан синиб, оғир шикастланганлигини айтишди.

Шу ётишда онам 57 кун ўринларидан туролмади. Биз болалар кечаю кундуз онамизнинг ёнидан қўзғалмай, Худодан тезроқ шифо беришни тилаб, кун санаардик.

Онам – Хадича Раҳимбой қизи оғир табиатли, раҳмдил, майда-чуйда гапдан узоқ юрадиган, меҳнаткаш, ўртабўй, тана-тўшли, юмалоқ юзли, қўйкўз аёл эди. Қариндош ва қишлоқдошлар онамни қаттиқ ҳурмат қилардилар. Биз фарзандлар бундан ўзимизда йўқ хурсанд эдик.

Уруш йилларида онам кўп азият чекдилар. Биз фарзандларини ўйлаб кечаю кундуз машаққатли меҳнат қилиб озиб-тўзиб кетгандилар. Онамнинг ўша пайтлардаги ғамли нигоҳи ҳамон кўз ўнгимда туради.

Биз – беш нафар жўжабирдек жонни аввало Худо, сўнgra онамиз Хадича Раҳимбой қизининг метин иродаси урушнинг қаҳатчилик йиллари домидан бир амаллаб тирик олиб чиқди. Уруш тугагандан кейинги йиллар ҳам осон кечмади. Кун кечириш ҳамон оғир эди.

\* \* \*

...Отамнинг айтишларича, ғалабани Польшада, Варшава шаҳрида кутиб олган эканлар. Ғалабадан сўнг, тўрт ой ўтгач, бағримиизга эсон-омон қайтиб келдилар. Биз болалари билан дийдор қўришдилар. Дийдор қиёматга қолмаган экан. Урушга кетгандардан «қора хат»лар келавериб қишлоқ аҳли мотамсаро бўлиб қолган эди. Қирғин-барот урушдан отамнинг омон қайтишлари нафақат бизнинг кемтик дилимизни, балки бутун қишлоқ аҳлининг қоронғи кўнглини ёритди.

Отамнинг урушдан қайтиб келгани ҳақидаги хушхабар бир зумда қишлоққа ёйилди. Отам билан кўришиш, сўрашиш учун келган одамлар ҳовлимизга сифмай кетди.

Аскар кўришга келганларнинг кети шомгача узилмади. Ниҳоят, ҳамма тарқалгач, отамнинг кўзлари бе-саранжом бўлиб қидиринди. Сўнгра озиб-тўзиб кетган онамдан кўз узмай термулиб турдилар. Шу пайтда Кўчар акам эшик яқинида, мен билан синглим Мақсад ўчоқ бошида, Меликнор опам эса уй бурчагида, ҳаммамиз отамдан бегонасираб ўтирас эдик. Кейинчалик отамнинг айтишларича, озиб-тўзиб, қоқ суяқ ва терига айланиб, беўхшов бўлиб қолган ўз болалари – бизларни танимабди.

«Ҳай, аттанг! Менинг болаларим очарчиликда ўлиб кетибди-да. Бу болаларнинг биронтаси менинг фарзандларимга ўхшамайди. Кўуни-қўшниларнинг болалари бўлса керак?!» деган аламли савол ўтиби кўнглидан ва онамга олазарак қараб:

– Ҳой онаси, болаларинг қани? Очликдан нобуд бўлишдими? – дея хавотирланиб сўради.

– Отаси, наҳотки ўз болаларингизни танимаган бўлсангиз? Анави эшик олдида ўтирган Кўчар ўғлингиз. Ҳу, ўчоқ ёнида ўтирганлар Қурбонингиз билан Мақсад қизингиз. Ёнингиздаги – Сангин. Ана, у бурчакдагиси Меликнор қизингиз-ку! – деб онам шўрлик бизларни ўз отамизга бирма-бир танишириб чиқдилар, – урушнинг оти ўчсин, кўрмаган азобларимиз қолмади. Қулогимдаги сирғамгача сотиб, чўкиртакларингизни асрарим. Болаларимнинг азоб-уқубатларини кўргунимча ўлиб кетсан яхши эди, отаси! – деди онам йиги аралаш.

Онамга қўшилиб бизлар ҳам изиллаб йигладик. Шунда отамнинг ҳам кўзларига ёш тўлиб, ўрнидан турди-да, битта-битталаб бизларни бағрига босиб, ўпди. Бошимизни силаб:

– Худога шукур, болаларимни эсон-омон сақлаб қолибсан, хотин! Бу ёғига Худо омадимизни берсин, – деб онамга раҳмат айтиб, тасалли берди.

Отам бир ҳафталар ўтгач, отхонадаги эски охурни бузиб, ундан катта бир хум чойнакни авайлаб, синдиримай олди. Ўйга кириб кийинди. Сўнгра Бойсун шаҳрига қараб кетди.

Қуёш ботмай бир қизил тўриқ отга миниб, гўшт, гуруч, сабзи-пиёз ва ярим халта ун олиб келди.

– Отаси, от кимники? – деб сўради онам.

– От ўзимизники, хотин, – деди отам. – Шаҳарлик артел раиси Карим Раҳимовдан ўн саккиз минг сўмга сотиб олдим. Иншоолло, бу от бизга иш беради.

Отам ҳафта-ўн кунда отни эгарлаб, халта-хуржунни ортиб, уч-тўрт одам билан бирга Денов, Регар ва Бойсун шаҳрига қатнайдиган, гуруч, дон, мөш ва ҳар хил матолар олиб келиб сотадиган бўлди. Шундан кейин рўзғоримизнинг қозони қайнаб турди.

1946 йилнинг январь ойида Бойсун район фирмә қўмитасининг биринчи котиби Абди Тошматов район ижроқўмининг молия бўлими мудири Аъзам Жўраевга отамни ўзига бош назоратчи қилиб олишни тавсия қиласди. Кейинчалик, район партия қўмитасининг биринчи котиби билан ижроқўм раиси ўзаро келишиб, отамни Инкобод қишлоғидаги Давлат гўшт тайёрлов идорасига бошлиқ қилиб қўйишиди. Бундай масъулиятли вазифани уddaлаш учун отам кечаю кундуз иш билан банд бўларди. Айниқса, гўшт топшириш учун чорва молларини Тожикистоннинг Стalinобод (ҳозирги Душанбе) шаҳридаги гўшт комбинатига ҳайдаб кетганида, ҳафталаб уйга келмас эди...

\* \* \*

Баъзан ҳаёт сенинг олдингга шундай бир ғаройиб муаммоларни кўндаланг қилиб қўядики, ўйлаб ўйингга етолмайсан киши.

Отам жуда кўнгилчан, инсофли ва раҳмдил одам эди. Бойсуннинг отам солиқ йиғадиган еттига қишлоқ шўроси ҳудудида яшаган қариялар отамнинг уларга қилган яхшиликларини ҳурмат билан тилга олади.

Мен сўзбошида фақат ҳақиқатни ёзишга жазм қилганимни айтган эдим. Шунинг учун ҳам қуйида оиламиизда-

гиларнинг, айниқса, онамнинг кўнглига жароҳат солған бир аччиқ ҳақиқатни яшира олмадим.

1948 йилда, мен энди биринчи синфга ўқишга борган пайтларда, отам ўз кўл остида ишловчи Хўжамшукур Каримовнинг 18 яшар Норчучук деган қизига уйланди. «Оғзимиз ошга текканда, бошимиз тошга тегди...» Отадош укаларим, сингилларим мени кечирсингилар. Қўлимдан иш келган вақтда шу отадошларим доим ёнимда туришди. Менинг шулардан бошқа суюнчигим йўқ. Шўро ҳукумати замонида қўшхотинлилик учун қонунда қаттиқ жазо белгиланган эди. Лекин онамнинг бор дарди ичидা. Орияти кучлилигидан бирор шўро идорасига дод солиб бормади ҳам, ариза ҳам қилмади.

Отам эски ҳовлимизнинг ёнбошидан янги уй қуриб, кичик хотини Норчучук онамиз билан яшай бошлади.

Уй ёнидан 15 сотих ерни боф қилиш учун ажратиб олиб, девор билан ўрашга тўғри келди. Отам устига отни юритиб лойни пишитар, ёш им ўнларда бўлсаям, мен лой тепиб уни девор ураётган мардикорга бел билан узатар эдим.

Кузга яқин бофни ҳам деворлаб бўлдик.

Отамга кичкина онамнинг таъсири катта эдими, бизларга илгаригидек эътибор билан қарамайдиган бўлиб қолди.

Кеч кузнинг қорли кунларидан бирида отам рўзфор анжомларимизни юқ машинасига орттириб, кун совуқлиги учун биз болаларни кўрпа-гилампарга ўраб, Денов томонга йўл олди. Ҳазарбоф деган жойнинг «Ғалаба» колхозида отамнинг тоға уругларидан бўлмиш Исмоил деган киши яшар экан. Отам бизни шу ердаги дала шийпонида қолдириб, ўзи Бойсунга қайтиб кетди.

Отамнинг бу қилмиши уруш йиллари шунча азоб кўрган онам учун «дард устига чипқон» бўлди. Изғиринли, аёзли кунлар эшик қоқиб турган бир паплада ўзи ва олти нафар боласини узоқ бир райондаги дала шийпонга олиб бориб ташланишига кўнган, отамга қарши бирор марта овоз кўтариб гапирмаган, бутун дардини ичига ютиб, тақдирга тан берган онамизнинг саботига тан бермасдан бўладими?!

Онам, Сангин акам, Кўчар акам, Меликнор опам, мен, сингилларим – Мақсад ва Маликалар шу дала шийпонида яшай бошладик. Малика синглим отам урушдан қайтганларидан кейин түғилган, ҳаммамиз учун эркатой эди. Истоил бобога минг раҳмат, ҳар куни ошқади, сабзи келтириб бизга қарашиб турди. Қийинчилик билан минг азобда қишдан чиқдик.

Шийпонда ётамиз... Кеча зулматида қамишлар шоувуллайди, узокларда итлар увууллайди, илонлар чинқиради, бақалар вақиллайди. Туни билан кўркиб чиқамиз...

Одамларнинг айтишларича, қадимда манзилидан кўчган катта-катта илонлар шу биз яшаётган қамишзорда бир тўхтаб, сўнгра ўзининг асил макони – Говургон томонга кетар экан. Иримга кўра, кечалари илоннинг номини «арғамчи» деб атайдилар. Шунинг учун ҳам бу жойни «Аргамчи гузар» деб номлашган экан.

Бизга томорқа қилиб берилган жой пахтазор этагидаги қиёқ, жинжак босган дала эди. Ерни юмшатиб, қовунтарвуз, бодринг, ҳандалак, мош, ловия, ошқовоқ экдик.

Онам, Сангин акам, опам Меликнор пахта даласида меҳнат қилар, Кўчар акам ва мен экинга қараашар, сингилларим эса уй ишларини бажаришар эди. Ҳафталар, ойлар, йил ўтса ҳам отамиздан дарак йўқ; биз эса изларига зор бўлиб, йўл пойлар эдик.

Онамнинг ҳам дарди ичида, отам ҳақида бизларга бирор оғиз ёмон сўз айтмас, аксинча:

– Оталарингни ҳурмат қилинглар. Келсалар кўпроқ дуосини олинглар. Оталаринг яна молияга ишга ўтибди. У кишининг ишлари кўп. Тоғма-тоғ, қишлоқма-қишлоқ юриб, солик тўплайди. Вақтлари йўқ! Алағда бўлманглар, оталаринг албатта келади! – деб кўнглимизни кўтаратар эди.

Орадан бир йилча вақт ўтиб, менимча, октябрь ойлари бўлса керак, урушдан омон қайтган Абдулаҳад тоғамиз отам билан бирга Ҳазорбоққа келиб, бизни Бойсунга кўчириб олиб кетишларини айтди.

Бойсун – тоғли ҳудуд. Қиши узун ва совуқ. Қиши учун ўтин ғамланмаса тирикчилик қилиш қийин. Дастёрлар-

сиз қолган отам билан кичик онамиз ўчоқ-тандирга ўтин ғамлаш учун бизни қўчириб келишга ўзаро келишган бўлса ҳам ажаб эмас...

Отам Бойсунга қайтиб кетди. Тоғамиз Абдулаҳад бошлигига биз Ҳазорбоғдан тонг саҳарда йўлга чиқдик. Кўчларимиз тўрт эшакка юк бўлди. Сангин акам, Меликнор опам ва онам пиёда, Кўчар билан мен, Мақсад билан Малика галма-гал эшакка миниб, йўл азобини тортидик. Йўлнинг узоклигидан онамнинг оёқлари шишиб, юролмай қолди. Шунда Абдулаҳад тоғам онамнинг оёқларини шўр сув билан ювиб, пахта боғлади. Ит азобида икки ярим кун йўл босиб, туш пайтига яқин қишлоққа кириб келдик.

Болаликнинг яна бир ёрқин хотираси: туғилиб ўсан қишлоғим – ўз уйимизга қайтганимдан қувончим чексиз. Ҳовлига кирибօқ, Ҳазорбоққа кетганимизда уйда қолган Олапар итимни қидирдим. Олапар кўринмади.

Баҳор пайтлари яшил лиbos кийган дов-дарахтлару ўт-ўланлар Бойсунни жаннатга айлантиради. Лекин тизза бўйи ўт-ўлан ўсан далаларда заҳарли илонлар кўп эди. Олапар илонни узоқ масофадан сезиб, пойлаб бориб тишлиб оларди-да, силкиб-силкиб ўлдирап эди. Ана шу жасурлиги учун ҳам мен Олапар билан далада бирга юрсам, ҳеч нарсадан кўрқмас эдим.

Томнинг устига чиқиб, бор овозим билан Олапарни чақирдим. Олапар Сулаймон Ота зиёратгоҳи устидаги тепада юрган экан, овозимни эшитиб, ўқдай учиб етиб келди. Мени бир йил кўрмаган Олапар қувончдан ирғишилаб, шунчалик эркаландики, итнинг бунчалар вафодорлигини илгари маталлардан ва овчиларнинг гурунгларидан эшитган эдим. Ўша куни «ит вафо» деган нақлнинг исботи рўпарамда турарди (Олапарни эслаб ушбу жумлаларни ёзар эканман, ҳозир ҳам кўз ёшларимни тия олмаяпман).

\* \* \*

Кампирчорбоғда яшаяпмиз... Отам кичик онамиз билан бўлак ҳовлида яшайди. Онда-сонда бизга егулик

унимизни бериб туради. Рўзғоримизнинг ҳамма ташвиши онамнинг бўйнида. Бизлар ҳам қараб турмаймиз: Сангин акам далада сомон йигиштиради, ғалла ўримида ўроққа чиқади. Мен икки хонадон учун ўтин ғамлайман, қорамолнинг қуриган тезагини йиғаман, шувоқ, жинжак, жингил чопиб ғарамлайман. Опам Меликнор ва сингилларим онамга рўзғор ишларида кўмаклашишдан ташқари, сигир тапписини ёйишади. Хуллас, онам бошлигидаги ҳаммамиз тирикчилик ғамида ғивирсиниб кунларни ўтказамиз.

Уруш йилларининг очарчиликлари таъсиридан бўлса керак, касалманд эдим. Мактабнинг биринчи синфига ёшим тўққиздан ошиб бордим.

Нима бўлди-ю, биринчи кун ўқишга бориб, кейин бормай кўйдим. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Паданг қишлоғидан бўлган домламиз Раҳимов онамга:

– Қурбон нима учун ўқишга бормаяпти? – деб мендан шикоят қилибди.

– Қурбон эртага албатта мактабга боради, – домлага ваъда берибди онам.

Эртасига мен яна «мактабга бормайман» деб хархаша қилдим. Шунда умримда биринчи марта онамдан дурустгина калтак едим.

Иккинчи синфда ўқиётганимда Худо менга бир дард берди. Икки оёғим тиришиб, юролмай қолдим. Онам бой мени орқалаб, зиёратгоҳларга олиб бориб, муллаларга ўқитиб юрди.

Аҳволим жуда оғир эди. Ҳожатга ҳам онамнинг ёрдамисиз боролмай қолган эдим. Худо шифо бериб, яrim йилдан кейин тузала бошладим.

Ўшанда нега касал бўлганимни ёшим олтмишдан ошганда билдим. Тос суюгим дарз кетган экан. Суякларим ўз-ўзидан ковшарланиб, тузалган бўлса керак. Йиллар ўтиб суякнинг ёрилган жойида турра пайдо бўлган. Икки ёнга озроқ чайқалиб юришим ҳам шунинг асоратидан.

Касалим тузалиб, мактабда яхши ўқиб, қолиб кетган чораклардаги сабоқларни ўзлаштирдим. З-синфда пича ўқиганимдан кейин, бирданига 4-синфга кўчиришди.

Ўша йилларда ўқитувчилар жон күйдириб дарс беришгани, болаларнинг тақдирига бефарқ қарамагани учунми, қишлоқ мактабларидан жуда кўп етук кадрлар етишиб чиқар эди.

Онам ёнгинамиизда яшаётган отамга ҳам, кундоши Норчучукка ҳам миқ этмайди. Кичик онамиз ёш бўлгани учунми ёки атайданми ўчоқ-тандирга ўтинни аёвсиз ёқар эди. Кунларнинг бирида онам тандирга ўт ёқаётган кичик онамизга:

– Норчучук, ўтинни тежаб ёқсанг бўлмайдими? – деб дашном берди. Рост-да, ўтинни ғамлаш ташвиши бизнинг бўйнимизда, онам ўз фарзандларининг меҳнатига ачинган бўлса керак-да.

Кичик онамиз уйга кириб, отамга кундошидан нолибди. Отам жаҳл билан келиб, онамни урмоқчи бўлиб хезланди. Сангин акам йигит бўлиб қолганди, отамнинг йўлини тўсиб, онамни уришига йўл қўймади. Жанжал катталашиб, отамнинг акалари Ҳазратқул бобом чиқиб келди. Ҳазратқул бобомиз отамга нисбатан суяклироқ, дадил эди. Жанжалнинг моҳиятига етмай, келасолиб Сангин акамни бир тарсаки туширди. Сангин акам йиқилди...

Шужанжал бизнинг оиласизда биринчи ва охиргиси эди.

1954 йил февраль-март ойларида Сурхон-Шеробод чўлинин ўзлаштириш, янгидан ўзлаштирилган ерларга аҳолини кўчириш кампанияси бошланди.

Кўчириш режаси асосан тоғлик ҳудудда яшаётган Бойсун тумани аҳолисига қаратилган эди. Бойсуннинг Кампирчорбог, Паданг, Инкобод қишлоқларидан кўчирилганлар ҳозирги Музработ туманининг «Янгибод» хўжалиги Бешқўтон ҳудудида тузилган Булганин номли колхозга келиб жойлашдилар. Ўша пайтларда соҳаларда кадрлар етишмаслиги сабаблими, Бойсуннинг молия бўлимида ишлаётган отам Амирқул Тиловов колхозга бош ҳосилот вазифасига тайинланди.

1954 йилда кичик онам билан биргалиқда биринчилар қаторида чўлга кўчиб кетди. Ўшанда олтинчи синфа да ўқир эдим. Яна катта рўзгоримизнинг юки онамнинг елкасига тушди.

\* \* \*

Қишлоғимиздаги Маяковский номли мактаб етти йиллик эди. 1955 йилда 7-синфни битирганимдан сүнг, Бойсун шаҳридаги интернатда яшаб, 1-сонли ўрта мактабда ўқиши давом эттирдим.

Шаҳар марказидаги бир қаватли, ғарибина интернатда Бойсун туманининг чекка қишлоқлари – Мачай, Работ, Тўда, Инкобод, Паданг қишлоқларидан келган болалар ҳам яшайди. Ҳаммамиз ошна-оғайнини бўлиб қолганимиз. Мақсадимиз – ўқиб, одам бўлиш.

Мен мактабда ўртача ўқир эдим. Лекин бир нарсани эътироф этишим керакки, ўша йилларда Бойсун туманининг 1-сонли мактабида ҳақиқий етук педагог ўқитувчилар кўп эди. Математика ўқитувчилари Ваҳоб ака Қаҳҳоров ва Пардаевлар менинг хотирамда чуқур из қолдирган эдилар. Бу инсонлар ҳар бир ўқувчисининг келаҗаги учун ўз пушти камаридан бўлган фарзанди истиқболининг ғамини егандан-да зиёд қайғурладиган устозлар эдилар. Не баҳтки, бизнинг суронли йилларга тўғри келган болалик ва ўсмирлик давримиз иймон-эътиқодли, фидойи домлалар таълим-тарбияси остида кечди. Мактаб директори Зикрилла Умаров яхши бир инсонда бўладиган барча фазилатларга эга одам эди. Сурхондарёликлар орасида Ўрта Осиё Давлат университетининг (САГУ) илк битирувчиларидан бўлган Зикрилла ака дарёдек ҳимматли, оққўнгил, аммо ўта талабчан, берган ҳар бир сабоғининг маҳсулини қаттиқўллик билан тергаб сўрайдиган устоз эди. У киши она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиш билан бирга мактабнинг бадиий ҳаваскорлик тўгарагига ҳам етакчилик қиласар эди. Бойсун туманидаги мусиқа мактабига асос солиб, кўп йиллар унга раҳбарлик қилган бу талабчан устознинг шогирдлари орасидан менинг синфдошим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевдай мамлакатимиизга довруғи кетган таниқли адиллар, олимлар, санъаткорлар етишиб чиқди.

Интернатда яшаб, ўрта мактабда ўқиётган пайтимда ҳам меҳнатдан бошим чиқмасди: уй ишларини бажара-

ман, томорқамизга ғалла, зигир, тамаки экаман, сомон түплаб, молларимиз қишлови учун ғамлайман, ўтин келтираман, рўзгор ташвишида юрган муштипар онамга кўмак бераман. Кунлар шундай ўтаверарди.

\* \* \*

Мана, орадан жуда кўп йиллар ўтиб кетди. Ҳалихануз ўз бошидан шунча воқеаларни ўтказган онам бизларга отам ҳақида бирор оғиз ҳам ёмон гап гапирмас эди. Устига хотин олган бўлса ҳам, баъзан рўзғоримизга қарашмасдан онамни ва бизни азобу изтиробларга қолдирган бўлса ҳам, бизларни отага ҳурмат руҳида тарбиялагани, аламларини ичига ютиб, отамга миқ этмай бўйсунгани сабабини англашга ожиз қоламан. Онамдаги бу чексиз андиша, эри ва фарзандларига нисбатан ҳадсиз садоқатдан, фидойиликдан лол қолиб юраман.

Онам туфайли биз отамиздан узилиб кетмадик...

Шу онамерос меҳр-оқибат, андиша туфайли кичик онамдан туғилган ука ва сингилларимдан бегоналашмадик...

Мен институтни битириб, 1971 йилдан бошлаб Музработ туманида ўрнашиб қолганимдан сўнг онам Бойсундан келиб, менинг уйимда яшадилар.

Отам кексайгач, ўзи ўсиб-улғайган, ишлаган, яхши кўрган юрти Бойсунга қўчишга қарор қилиб, кунларнинг бирида:

– Курбонжон, энди мен отам, акаларим ётган гўр жоимга борай. Юр, бирга бориб уй соладиган ерни кўрайлик, – деди.

Отам билан Бойсунга бирга бориб, уй қуриш учун қулай жой танладик. Отам ўша тепага уй қуриб, кўчиб кетди. Уй қурилган жойдан пастда томорқа қилиб, умрларининг охирида яна бир бօғ яратиб, мевасини еб, армонсиз ўтдилар.

1982 йилда отам ётиб қолди ва менга:

– Онангга айт, келсин. Хайрлашиб қолай, – деди.

Мен отамнинг сўнгги илтимосини онамга етказдим. Кутимаганда онам:

– Бормайман! – деди қатъий оҳангда. – Отангга «Ўлсангиз, ўлигингизга бормайман», деганман.

Онамнинг кутилмаган бу исёнли гапидан мен донг қотиб қолдим.

– Эна! – дедим ранжиб. – Ахир сиз бир умр «Отангнинг дуосини ол, отангдан хабар олинглар, отангни оғринтирунглар!» деб бизларни отамдан узилиб кетмасликка ундар, энди ўзингиз шундай дейсизми? Шундай гапингиз бор экан, илгари айтинг эди...

– Қурбонжон! – деди онам. – Ота қарғиши ёмон. Оталарингнинг қарғишига қолманлар, дедим-да. Лекин отанг мени қаттиқ хапа қилган...

– Биламан, эна!

– Йўқ, билмайсан! – деди онам гапимни кесиб. – Отанг «Заготскот»га раис бўлган вақтида уйимизга қишлоқ шўросининг раиси бўлган хотинни меҳмонга олиб келиб, менга унинг отининг жиловини туттирган! Отангнинг бу ишини кечиролмайман!

Ана холос! Эри ўзининг устига хотин олганини, олти фарзанди билан қаровсиз қолдириб кетганини кечирса-ю, шаъни эл орасида миш-меш бўлган бир «активистка» аёл миниб келган отнинг жиловини тутқазганини кечиролмаса!

Менинг муштипар, итоатгўй онамни сал бўлмаса қасоскорга айлантириб қўйган нафратнинг сабаби наҳотки шу бўлса?

Аслида, отам онамни бу аёл миниб келган отнинг жиловини тутишга мажбур қилган эмас. У замонларда қишлоқ шўроси раислари катта мавқега эга бўлган. Отам шу ҳудуддаги «Заготскот» (Мол тайёрлов) корхонаси раиси вазифасида ишлаган. Ўша аёл эса қишлоқ шўросининг раиси. Иш юзасидан ўша аёл отамга топшириқ беришга ҳам ҳақли бўлган. Қисқаси, отам шу аёлнинг қўл остидаги раҳбар бўлган ва «шўро аёл»ни меҳмон сифатида уйга бошлаб келган. Отам меҳмондўстлик удумига амал қилиб, меҳмон аёл минган от жиловини онамга ушлатиши тўғри бўлган. Мантиқан онамнинг уйга келган меҳмон аёлнинг отининг жиловини тутишида ҳеч қандай ҳақоратли мазмун йўқ. Лекин...

Ўз фарзандлари учун соғлиғини аямаган, эрининг барча «гуноҳ»ларини кечирган, тақдир бошига солған барча қийинчиликларга чидаган онам эрининг ўз покиза хонадонига аёллик шаъни ҳақида «миш-миш» тарқалған бир кимсани эргаштириб келгани, ўзи эса шундай аёлнинг отини жиловидан тутишга мажбур бўлгани учун отамни кечиролмади. Бу пок виждонли оналаримизнинг ўзига хос улуғ хислати бўлса керак-да!

Бари бир феълидаги Оллоҳ берган бағрикенглик қайсарликдан устун чиқди ва онам отамни кўришга мен билан бирга Бойсунга борди...

Онам тўшак ёнида ўтириб, отам билан қарийб икки соатча юзма-юз суҳбатлашди. Уларнинг суҳбатига ҳеч ким халақит бермади...

Икки кундан сўнг, 1982 йил 2 май куни 76 ёшли отам фарзандлари курсовида эс-хуши жойида, қўрқув ва таҳликасиз, хотиржам жон таслим қилди.

Онам менга отам билан сўнгги суҳбатларида нималар ҳақида гаплашганларини айтмадилар. Мен ҳам сўрашни эп кўрмадим. Ушбу суҳбат – икковининг сири бўлиб бу дунёдан кетди...

#### ОРЗУЛАР САРИ...

1958 йилда Бойсун тумани марказидаги 1-сонли ўрта мактабда 10-синфни тугатдим.

Сангин акам Бешқўтонда чўлда ишлаяпти. Кўчар акам ўқишида. Бойсунда мен, онам ва Мақсад синглим қолганимиз. «Онамга ким қарайди?» деган ўйда институтга ўқишига бориш хаёлимда йўқ эди. Ўқишига борсам имтиҳонлардан йиқилиб келишдан ор қилар эдим. Шу боис саратоннинг айни жазирамасида отам яшаётган Шеробод чўлининг Бешқўтон ҳудудида ташкил этилган Булганин номли колхозга келдим.

Колхозда отам ҳосилот, тоғам Абдулаҳад бўлимда ҳисобчи, Сангин акам эса тракторчи бўлиб ишлар эди.

Ҳам рўзғорда, ҳам пахта даласида ишлаб, чарчаб қолган кичик онамнинг ўрнига далага чиқиб, куз охиригача пахта тердим.

Гўдаклигимдан техникага ҳавасим катта эди. Пахта теримидан сўнг, Сангин акамга ёрдамчи тракторчи бўлиб ишлай бошладим.

Тунларни тонгга улаб, тиним билмай, ДТ-54 тракторида колхознинг ерларини ҳайдаб, молалаб, далани экишга тайёрлар эдик.

Чўлга келганимга бир йил ҳам ўтмай, Ҳофиз ака Са-мадов – катта механик, Сангин акам – ёрдамчи механик этиб тайнинландилар. Мен ДТ-54 тракторида мустақил тракторчи бўлиб ишлай бошладим.

Маккажўхори одатда баҳорда экилиб, июль ойида ўрилар эди.

Ер ҳайдаш тугагач, менинг тракторим тўхтатиб қўйи-либ, Бобомурод аканинг тракторига тиркама макка ўргич уланди. Икки ой маккажўхори ўримида қатнашдим. Мак-ка баланд ўстган бўлса, «мотовила»ни баланд кўтариб, паст бўлса, пастлатиб турар эдим. Трактор орқасидан кўтарилган чанг-тўзон мен ўтирган жойга урилса-да, бу қийинчилликлар менга билинмас эди. Чунки ўша пайтларда меҳнатимга маош олганимдан эмас, мустақил тракторчи бўлиб ишлаётганимдан хурсанд эдим. Икки ойлик маошим ўшанда бор-йўги 40 сўм бўлган экан.

Одам ўзи қизиқсан, ўзи яхши кўрган касбининг қийин-лиги билан ҳисоблашиб ўтирмас экан. «Тентакка тел бер, икки қўлига бел бер!» деган мақол айнан мендайлар учун айтилмаганмикан деб ўйлайман. Лекин, баль-зан: «Қилаётган ишларимдан аҳмоққа ўхшамайман-ку!» деб ўзимни юпатиб кулиб қўяман.

Макка ўрими тугадию, тракторимга бульдозер тақишига тўғри келди. Ўша вақтлар бульдозер тракторларга бўлак тақилар, бунинг учун тракторнинг орқа кўпригига қўшимча редуктор ўрнатилар эди.

Тракторнинг орқа кўприги қопқоғини очсам, илгари бульдозер тақилганида битта муфтанинг втулкаси еми-рилган экан. Ана шу втулкани чиқариб олиш зарур бўлди.

Ҳофиз ака катта, Сангин акам эса ёрдамчи механик. Икки механик эрталабдан то тушгача уриниб, втулкани чиқариб олишолмади.